

O`zbekiston Respublikasi Oliy va O`rta maxsus
ta'lim vazirligi

Jizzax Politehnika instituti

“O`zbekistonda demokratik jamiyat qurish asoslari”
kafedrası

Huquqshunoslik fanidan

USLUBIY KO`RSATMA



Jizzax- 2006

UDK 34.
KIRISH

Tuzuvchilar:

**M.Xolbekova
O.Asatov**

Taqrizchi:

dots. P.Qulmatov

Muharrir:

kat.o`q. B.Uzoqov

"Muhandislik iqtisodiyoti" fakulteti ilmiy kengashining 2006 yil
17 may №9 majlis qarori bilan tasdiqlangan.

"O`zbekistonda demokratik jamiyat qurish asoslari" kafedrası
ilmiy uslubiy
kengashining 2006 yil 29 aprel №8 majlis qarori bilan
tasdiqlangan

Kirish

O'zbekiston Respublikasi chuqur ijtimoiy siyosiy islohatlar davrini boshidan kechirmoqda: mamlakat iqtisodiyoti bozor munosabatlariga o'tmoqda; jamiyatda umuminsoniy qadriyatlar borgan sari ko'proq qaror topmoqda; shaxs huquqi va erkinliklarini, sha'ni va qadr-qimmatini himoya qilish davlatning burchiga aylanmoqda. Respublikada demokratik huquqiy davlat barpo etish va adolatli fuqarolik jamiyatini qaror toptirish jarayoni kechmoqda.

Ushbu o'tish davrida fuqarolarning huquqiy madaniyati darajasini oshirish, ularning davlat, huquq, qonuniylik, huquq- tartibot haqida eng zarur bilimlarga ega bo'lishidan iborat muhim vazifa yuzaga keldi. 1997 yilda Oliy Majlis qabul qilgan Jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish milliy dasturi ana shu umumdavlat ahamiyatiga molik vazifani bajarishga qaratilgandir.

Umuman, jamiyat hayotini o'rganish, bilish va uni takomillashtirishda huquqshunoslik organi beqiyos katta ahamiyat kasb etadi.

Uslubiy ko'rsatmaga kiritilgan materiallar talabalarni muayyan huquqiy muammolarni o'rganishda yangicha yondashuvlarni egallashiga yo'naltirilgan.

Ҳуқуқшунослик фанидан тест вариантлари.

1. қуйидаги ижтимоий муносабатларининг қайсилари фуқаролик - қонунлари тартибга солинади.

- А) мулкӣ ва улар билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатлар;
- Б) давлат бошқаруви соҳасидаги муносабатлар;
- В) никоҳ-оила муносабатлари;
- Г) давлатнинг молиявий фаолияти жараёнида юзага келадиган муносабатлар.

2. Фуқаролик ҳуқуқига хос усулни кўрсатинг;

- А) томонларнинг юридик тенглиги; В) таъқиб этиш;
- Б) ҳокимиятга бўйсиндириш; Г) молиявий назорати.

3. қуйидаги санаб ўтилганлар ичидан фуқаролик ҳуқуқининг принципини белгиланг.

- А) томонларнинг юридик тенглиги; В) ҳамма жавоблар тўғри;
- Б) битим тузиш эркинлиги; Г) мулкнинг дахлсизлиги.

4. Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига кирмайдиган билимни кўрсатинг.

- А) «мажбуриятларнинг алоҳида турлари»;
- Б) «мажбуриятлар ҳуқуқининг умумий қисми»;
- В) «Умумий қоидалар»;
- Г) «мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар».

5. Фуқаролик ҳуқуқининг умумий қисмига кирадиган тармоқлар ва институтларни кўрсатинг.

- А) вакиллик; В) ижодий фаолият натижаларидан фойдаланиш;
- Б) мерос ҳуқуқи; Г) интеллектуал мулкчилик.

6. Фуқаролик қонун ҳужжатларига биноан фуқаролар неча ёшда тўла муомала лаёқатига эга бўладилар?

- А) 18 ёшдан бошлаб; В) туғилгандан бошлаб;
- Б) 14 ёшдан бошлаб; Г) 21 ёшдан бошлаб.

7. қонунда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган вояга етмаганларга қандай ҳаракатлар рухсат этилмайди?

- А) қонунга мувофиқ кредит муассасаларига пул қўйиш ва уни тасаррув этиш;
- Б) майда турмуш битимларини тузиш;

В) бепул фойда олишга қаратилаг ва нотариал тартибда тасдиқлашни ёхуд давлат рўйхатидан ўтказишни талаб этмайдиган битимларни тузиш;

Г) конуний вакилнинг розилиги билан бошқа биров муайян мақсадда ёки истаганча тасарруф этиш учун берган маблағни сарфлаш.

8. Васийлик кимларга белгиланади?

А) юқоридаги барча тоифа шахсларга.

Б) рухий касллиги туфийли суд муомала лаёқатига эга эмас деб топган фуқароларга;

В) суд муомала лаёқатини чеклаганларга;

Г) 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёки ота-онасининг ҳомийлигидан маҳрум бўлган вояга етмаганларга;

9. Кимлар васий ва ҳомий бўла олмайди.

А) ота-оналик ҳукуқидан маҳрум этилган муомала лаёқатига эга фуқаролар;

Б) даволаш муассасалари;

В) ижтимоий ҳимоя муассасалари;

Г) вояга етмаган муомала лаёқатига эга булмаган фуқаролар.

10. Васийлар ва ҳомийлар қандай ҳуқуқларга эга?

А) Ўз ҳомийлигида бўлган шахслар билан уларнинг фойдасига хизмат қиладиган битимлар тузиш;

Б) Ўз ҳомийлигида бўлган шахснинг мулкани бировга беришга розилик билдириш;

В) Ўз ҳомийлигида бўлган шахснинг тегишли ҳуқуқлари йўқотилишига олиб келадиган битимоларни тузиш;

Г) Ўз ҳомийлигида бўлган шахсининг мулкини ижарага бериш.

11. қуйидаги келтирилган фуқаролик ҳолати ҳужжатларидан қайси бири фуқаролик ҳодисаси ҳисобланади.

А) вафот этиш.

В) исмни ўзгартириш;

Б) никоҳни бекор қилиш;

Г) никоҳ тузиш;

12. 16 ёшга тўлган ва меҳнат шартномаси (кантракт) бўйича ишлаётган вояга етмаган шахсни тўла муомала лаёқатига эга деб эълон қилиш тартиби нима деб аталади?

А) эмансипация;

В) инициация;

Б) рўйхатдан ўтиш;

Г) тўғри жавоб йўқ.

А) маошни нооқилони сарфлаш.

14. қуйида берилган аломатлардан қайси бири юридик шахсинг белгиси ҳисобланади?

15. Фуқароларнинг қонунда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг камида 10 бараваридан иборат суммага тузилаётган ўзаро битимлари қандай шаклда бўлиши керак?

16. Автомашиналарни ишончнома бериш баҳонасида сотиш нима деб номланали?

17. Даъво қилишнинг умумий муддати қандай?

18. Мулкдорнинг ушбу ашёсининг юридик тақдирини ҳал этишга қаратилган ҳуқуқи нима деб аталади.

19. Мулк ҳукуқининг ворислик ҳукуқи асосида бировга ўтиши қандай номланади?

20. Монархия республикадан нимаси билан фарқ қилади?

- а) ҳокимиятнинг бир шахс қўлида қўлида бўлиб, унинг мерос қилиб берилиши.

- б) ҳукуматнинг парламент асосида тузулиши;
- в) президент ва парламент олдида ҳукуматнинг икки ёқлама жавобгарлиги;
- г) референдум ва оммавий сайлов эълон қилиниши;

21. Давлат мажбурлов таъсири ижтимоий нормаларнинг қайси турига хос?

- а) ҳуқуқий нормаларига;
- б) ахлоқ нормаларига;
- в) одат нормаларига;
- г) анъана нормаларига.

22. Давлат синфий зиддиятлар муросасизлигининг маҳсули ва кўринишидир, деб ҳисоблайдиган назария қандай назария?

- а) теологик назария;
- б) шартнома назарияси;
- в) марксча назария;
- г) зўрлик назарияси.

23. Давлатнинг қайси функциялари халқаро майдондаги фаолиятининг асосий йўналишилари ташкил этади?

- а) ташқи;
- б) вақтинчалик;
- в) ички;
- г) доимий;

24. «Давлат шакли» тушунчаси қандай ҳодисаларни камраб олади?

- а) давлат бошқарувининг шакли, давлат тузуми, сиёсий режим;
- б) давлат бошқаруви;
- в) давлат тузумининг шакли;
- г) давлатнинг демократик режими.

25. Кўрсатилган қоидалардан қайси бири давлатнинг бошқарув шаклини акс эттиради?

- а) марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг ўзаро муносабати;
- б) миллий давлат қурилиши;
- в) ҳокимиятни ташкил этишнинг манбалари ва усуллари;
- г) ҳокимиятни амалга ошириш воситалари ва усуллари.

26. Ҳукумат парламент томонидан ташкил этилиб, парламент олдида жавоб берадиган бошқарув шаклини кўрсатинг?

- а) парламент республикаси; б) конституциявий монархия;
- в) президент республикаси; г) монархия.

27. Давлатнинг тузилиш шакллари қандай?

- а) унитар давлат, федерация, конфедерация.
- б) демократия, автократия, тоталитаризм;
- в) президент республикаси, конституциявий монархия;
- г) парламент республикаси, монархия;

28. Кўрсатилган тузилмалардан қайси бири давлат аппаратиға кирмайди?

- а) сиёсий партиялар;
- б) ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи органлари;
- в) ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари;
- г) давлатнинг назорат ва тафтиш органлари.

29. Ўзбекистонда қайси орган давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи ҳисобланади?

- а) Олий Мажлис;
- б) Олий суд;
- в) Президент;
- г) Вазирлар Маҳкамаси.

30. Ўзбекистонда қайси органлар ижро этувчи органлар тизимиға қилади?

- а) Вазирлар Маҳкамаси, Президент, ҳокимликлар;
- б) Президент, судлар;
- в) Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимликлар ва Олий Мажлис Кенгаши;
- г) Олий Мажлис, Конституциявий суд.

31. Ўзбекистонда ким фармонлар чиқариш ваколатиға эға?

- а) Республика Президенти;
- б) Олий Мажлис Кенгаши;
- в) Бош Вазир;
- г) Конституциявий суд.

32. қайси жавобда «ҳуқуқ»нинг тўғри таърифи берилган?

- а) давлат томонидан белгиланган ёки маъқулланган ва унинг мажбурлов кучи билан таъминланган, барча учун мажбурий ҳуқ-атвор нормалари тизими;
- б) юридик нормалар билан тартибға солинадиган ҳуқуқий муносабатлар тизими, одамларнинг ҳақиқий (реал) ҳуқ-атвори;
- в) ҳукмрон синфнинг қонун даражасиға кўтарилган ва мазмуни жамият ҳаётининг моддий шароитлари билан белгиланадиган иродаси;

г) одамларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларига психологик муносабати.

33. Олий юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўрсатинг?

- а) қонунлар;
- б) Президент фармонлари;
- в) ҳукумат қарорлари;
- г) жамоат ташкилотларининг ички ҳужжатлари.

34. қуйидаги элементларнинг қайси бири ҳуқуқбузарнинг шахсини англатади?

- а) субъект; б) субъектив томон; в) объектив томон; д) объект

35. Жисмоний шахс неча ёшдан бошлаб мамурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

- а) 16 ёшдан в) 18 ёшдан
- б) 14 ёшдан г) 21 ёшдан

36. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактини қайд этувчи расмий ҳужжат нима деб номланади?

- а) баённома в) шикоят
- б) қарор г) ариза

37. Давлат функцияси нима?

- а) давлат фаолиятининг асосий йўналишларини ифодаловчи вазифаларни амалга ва муайян мақсадга эришиш;
- б) давлат органларининг норматив ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаришга доир фаолияти;
- в) давлатнинг ўз фуқаролари ҳуқуқларини кафолатли амалга оширишга доир фаолият;
- г) давлат органларининг қонун устунлигини таъминлашга доир фаолият

38. Конфедерация нима?

- а) суверенитетга эга бўлган, ички ва ташқи ишларда мустақил субъект ҳисобланган муайян мақсад учун бирлашган, давлатлар иттифоқи;
- б) олий ҳокимят органлари орқалишакллантирадиган давлат;
- в) муайян суверенитетга эга бўлган, сиёсий тузилмаларга асосланган давлат ёки миллий давлат тузилишининг шакли;
- г) бошлиғи бу амални мерос қилиб олган давлат.

39. Юридик норманинг давлат жазоси меъёрини белгилаб берадиган таркибий қисмини кўрсатинг.

а) санкция. б) диспозиция; в) презумпция; г) гипотеза;

40. қайси ижтимоий муносабатлар маъмурий ҳуқуқ билан тартибга солинади?

а) давлат бошқаруви соҳасидаги муносабатлар;
б) жиноятларни содир этиш билан боғлиқ муносабатлар;
в) мулкӣ ва улар билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатлар;
г) давлатнинг молиявий фаолияти жараёнида юзага келадиган муносабатлар.

41. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактини қайт этувчи расмий ҳужжат нима деб номланади?

А) Баёнома. Б) қарор. В) Шикоят. Г) Ариза

42. Меҳнат ҳуқуқи ҳуқуқнинг қайси тармоғига киради?

А) Асосий тармоғига;
Б) Махсус тармоғига;
В) комплекс тармоғига;
Г) процессуал тармоғига;

43. Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинганда ходим иш берувчини ёзма равишда қачон огоҳлантириши шарт?

А) 2 ҳафта аввал; Б) 1 ой аввал; В) 2 ой аввал; Г) тўғри жавоб йўқ;

44. 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг иш куни қанча вақт давом этади?

А) Ҳафтасига 36 соат; Б) Ҳафтасига 18 соат;
В) Ҳафтасига 12 соат; Г) Ҳафтасига 40 соат;

45. қуйидаги санаб ўтилган ҳуқуқ манбааларидан оилавий ҳуқуқ манбааларидан оилавий ҳуқуқӣ муносабатларини тартибга солувчи нормалар мавжуд бўлганларини топинг:

А) Оила ҳақуқи;
Б) Фуқаролик кодекси;
В) Жиноят кодекси;
Г) Фуқароли– процессуал кодекси;

46. Оила ҳуқуқида тўлиқ муомала лаёқати неча ёшдан бошланади?

А) 17 ёш;

- Б) 18 ёш;
- В) 21 ёш;
- Г) 25 ёш;

47. Никоҳ тузишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларни аниқланг.

- А) Никоҳга қираётганлардан бирининг муомала лаёқатига эга эмаслиги;
- Б) Бўлғуси эр– хотиннинг яқин қаришдошлилиги;
- В) Никоҳга қиратганларнинг никоҳ ёшига етмаганлиги;
- Г) Никоҳга қираётганларнинг ўзаро розилиги;

48. қуйида саналган ҳолатлардан қайси бири никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўла олмайди?

- А) Эр– хотинлардан бирининг ихтиёрий розилиги йўқлиги;
- Б) Эр– хотинлар ўртасида узоқ қаришдошликнинг мавжудлиги;
- В) Эр– хотинлардан бирининг ўзида ОИТС инфекцияси борлигини яширганлиги;
- Г) Эр– хотинлардан бирининг муомала лаёқатига эга эмаслиги;

49. қуйидаги ҳолатлардан қайси бири ота– оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш учун асос бўла олмайди?

- А) Ота– оналардан бирининг узоқ (1 йилдан ортиқ) муддатли харбий хизмат сафарида бўлиши;
- Б) Ота– оналардан бирининг сурункали ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка берилганлиги;
- В) Болалари билан шафқатсиз муомалада бўлиши;
- Г) Ота– оналик мажбуриятини бажаришдан бўйин товлаши;

50. Ёш болаларга васийлик неча ёшдан тўхтатилади?

- А) 6 ёш; Б) 12 ёш; В) 14 ёш; Г) 16 ёш;

51. Алимент мажбурияти нима?

- А) Давлат муомала лаёқатига эга бўлган фуқароларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган ҳуқуқий шакл;
- Б) Давлат муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқароларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган ҳуқуқий шакл;
- В) Мавжудлиги никоҳга киришга (никоҳ тузишга) йўл қўйилмаган ҳолат;
- Г) қонунда белгиланган юридик фактлар асосида юзага келадиган ҳамда шу асосда оила аъзоларининг айримлари бошқаларини боқиши шарт бўлган, бошқалари эса буни талаб қилиши мумкин бўлган ҳуқуқий муносабат;

52. “Васийлик” тушунчасининг таърифи қайси жавобда тўғри берилган?

- А) Давлат муомала лаёқатига эга бўлган фуқароларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган ҳуқуқий шакл;
- Б) Давлат муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқароларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган ҳуқуқий шакл;
- В) Мавжудлиги никоҳга киришга (никоҳ тузишга) йўл қўйилмаган ҳолат;
- Г) қонунда белгиланган юридик фактлар асосида юзага келадиган ҳамда шу асосда оила аъзоларининг айримлари бошқаларини боқиши шарт бўлган, бошқалари эса буни талаб қилиши мумкин бўлган ҳуқуқий муносабат;

53. “Ҳомийлик” тушунчасининг таърифи қайси жавобда тўғри берилган?

- А) Давлат муомала лаёқатига эга бўлган фуқароларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган ҳуқуқий шакл;
- Б) Давлат муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқароларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган ҳуқуқий шакл;
- В) Мавжудлиги никоҳга киришга (никоҳ тузишга) йўл қўйилмаган ҳолат;
- Г) қонунда белгиланган юридик фактлар асосида юзага келадиган ҳамда шу асосда оила аъзоларининг айримлари бошқаларини боқиши шарт бўлган, бошқалари эса буни талаб қилиши мумкин бўлган ҳуқуқий муносабат;

54. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қачон қабул қилинган?

- А) 1994 йил 29 августда;
- Б) 1994 йил 22 сентябрда;
- В) 1995 йил 1 апрелда;
- Г) 2001 йил 29 августда;

55. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қачон амалга киритилган?

- А) 1995 йил 1 апрелда;
- Б) 1996 йил 5 июнда;
- В) 1996 йил 13 июнда;
- Г) 1997 йил 1 январда;

56. Жиноят ҳуқуқининг қилмишнинг жиноийлиги, жазога лойиқлиги ва бошқа жиноий– ҳуқуқий оқибатлари фақат жиноят кодекси билан белгиланишини билдирадиган принцип нима деб номланади?

- А) Адолатлилик принципи;
- Б) қоноунийлик принципи;
- В) Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи;
- Г) Инсонпарварлик принципи;

57. қонунда қандай жазо муддати назарда тутилган қасддан содир этилган жиноят оғир жиноят ҳисобланади?

- А) 3 йилдан ортиқ, аммо 5 йилдан ортиқ бўлмаган;
- Б) 5 йилдан ортиқ, аммо 10 йилдан ортиқ бўлмаган;
- В) 5 йилдан ортиқ, аммо 8 йилдан ортиқ бўлмаган;
- Г) 5 йилдан ортиқ, аммо 15 йилдан ортиқ бўлмаган;

58. қуйидагилардан қайси бири жиноятнинг объектив томонига кирувчи белги ҳисобланади?

- А) айб;
- Б) қилмишни содир этиш вақти;
- В) мақсад;
- Г) сабаб;

59. қуйида берилганлардан қайси бири жиноятнинг субъектив томони бергисини ташкил этмайди?

- А) айб
- Б) сабаб;
- В) жиноят предмети;
- Г) мақсад;

60. Жисмоний шахсларнинг қайси тоифасига нисбатан ўлим жазоси тайинланиши мумкин эмас?

- А) аёлларга нисбатан;
- Б) 18 ёшгача бўлган ёшда жиноят содир этган шахсларга нисбатан;
- В) суд қарори чиққан пайтда 65 ёшга етган эркакларга нисбатан;
- Г) юқорида саналганларнинг барчаси;

61. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига мувофиқ, жарима қанча миқдорда берилади?

- А) Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 10 бараваридан 300 бараваригача;
- Б) Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 5 бараваридан 600 бараваригача;
- В) Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 10 бараваридан 600 бараваригача;
- Г) Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 15 бараваридан 600 бараваригача;

62. БМТ қачон ташкил топган?

А) 1942 йилда; Б) 1945 йилда; В) 1949 йилда; Г) 1953 йилда;

63. Субъектларнинг ҳуқуқий нормалар талаблари асосидаги муносабатларини нима келтириб чиқаради?

- а) ҳуқуқий муомила лаёқати;
- б) ҳуқуқий муносабат мақсади;
- в) ҳуқуқий муносабат объекти;
- г) юридик фактлар;

64. Жиноят ҳуқуқи қайси ижтимоий муносабатларни тартибга солади?

- А) Жазони ижро этиш муносабати билан юзага келадиган ижтимоий муносабатларни;
- Б) Жиноят содир этилиши муносабати билан давлат ва фуқаро ўтрасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар;
- В) Жиноят иши бўйича иш юритиш тартиби билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни;
- Г) Юқорида санаб ўтилган ҳамма жавоблар тўғри;

65. қайси норматив ҳуқуқий ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳам чиқариши мумкин.

- А) Фармон.
- Б) қонун.
- В) қарор.
- Г) Фармойиш.

66. неча ёшда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод бўлиши мумкин?

- А) 30 ёшда Б) 35 ёшда В) 40 ёшда Г) 45 ёшда

67. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ваколат муддати қанча?

- А) 5 йил. Б) 4 йил В) 6 йил Г) Ваколатларнинг аниқ муддати йўқ.

68. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини 18 ёшдан сўнг тасдиқловчи асосий ҳужжат нима?

- А) Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома.
- Б) Паспорт.
- В) Хайдовчилик гувоҳномаси.
- Г) Ўрта маълумот ҳақидаги шаходатнома.

69. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 1– боби нимага бағишланган?

- А) Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига
- Б) Ўзбекистон Республикасининг авлат қурилишига.
- В) Конституциявий тузимнинг асосий принципларига.
- Г) Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий асосларига.

70. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тузатишлар парламент аъзоларининг қанча миқдордаги овози билан мақбул қилиниши керак?

- А) Аъзолар умумий сонининг кўпчилиги овози билан.
- Б) Аъзолар умумий сонининг учдан икки қисми билан.
- В) Аъзолар умумий сонининг тўртдан уч қисми билан.
- Г) бир овозда.

71. Субъектларнинг ҳуқуқий нормалари талаблари асосидаги муносабатларини нима келтириб чиқаради?

- А) Ҳуқуқий муомала лавқати.
- Б) Ҳуқуқий муносабат мақсади.
- В) Ҳуқуқий муносабат объекти.
- Г) Юридик фактлар.

72. Давлат ҳокимияти механизми деганда нима тушунилади?

- А) Давлат ҳокимиятини амалга оширувчи, Давлат органларининг мажмуи.
- Б) Давлат ҳокимиятини амалга оширишда муҳим ўрин тутадиган давлат муассасаларининг мажмуи.
- В) Ҳокимият учун кураш олиб борадиган сиёсий партиялар мажмуи
- Г) Халқ иродаси ва манфаатларини ифодаладиган жамоат бирлашмаларининг мажмуи.

73. Давлат органи нима?

- А) Муассаса.
- Б) Давлат апаратининг бўғини
- В) Давлат механизми.
- Г) Сиёсий ташкилот.

74. Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига қирмайдиган билимни кўрсатинг.

- А) «Умумий қоидалар»;
- Б) «мажбуриятлар ҳуқуқининг умумий қисми»;
- В) «мажбуриятларнинг алоҳида турлари»;
- Г) «мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар».

75. Фуқаролик ҳуқуқининг умумий қисмига кирадиган тармоқлар ва институтларни кўрсатинг.

- А) вакиллик; В) ижодий фаолият натижаларидан
фойдаланиш;
Б) мерос ҳуқуқи; Г) интеллектуал мулкчилик.

76. қонунда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган вояга етмаганларга қандай ҳаракатлар руҳсат этилмайди?

- А) қонунга мувофиқ кредит муассасаларига пул қўйиш ва уни тасаррув этиш;
Б) майда турмуш битимларини тузиш;
В) бепул фойда олишга қаратилаг ва нотариал тартибда тасдиқлашни ёхуд давлат рўйхатидан ўтказишни талаб этмайдиган битимларни тузиш;
Г) қонуний вакилнинг розилиги билан бошқа биров муайян мақсадда ёки истаганча тасарруф этиш учун берган маблағни сарфлаш.

77. Фуқароларнинг турар жойи қаер ҳисобланади?

- А) ўз мулкига эга бўлган жой; В) доимий равишда ёки кўп қават яшайдиган жой;
Б) рўйхатдан ўтган жой; Г) ота-онаси истиқомат қиладиган жой.

78. Фуқаро қайси муддат давомида номаълум сабабларга кўра вафот этган деб эълон қилиниши мумкин?

- А) 1 йил; В) 5 йил;
Б) 3 йил; Г) 7 йил.

79. қайси ҳолларда шахсни вафот этган деб эълон қилиш учун Фуқаролар кодексида назарда тутилган муддатнинг ўтиши талаб этилмайди?

- А) фуқаронинг вафот этганлиги судлов тартибида аниқланиши талаб этилганда;
Б) фуқаро ҳаётига ўлим хавфини солувчи ёки муайян бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлган деб ҳисоблаш учун асослар берадиган ҳолларда бедарак йўқолганда;
В) фуқаро ҳарбий ҳаракатлар туфайли бедарак йўқолганда;
Г) санаб ўтилган барча ҳолларда.

80. Тижорат юридик шахсларнинг қайси тури умумий ҳуқуқий лаёқатга эга эмас?

- А) ҳўжаилик ширкати; В) акционерлик жамияти;
Б) унитар корхони; Г) ишлаб чиқариш кооперативи.

81. Юридик шахсининг ташкилий ҳуқуқий шакли ўзгарадиган, у бошқа турдаги юридик шахсга айланадиган қайта ташкил этиш тури қандай номланади?

- А) қўшилиш; В) ажратиш;
Б) бирлашиш; Г) ўзгариш.

82. қайта-қайта фойдаланишга мўлжалланган, бунда ўзининг дастлабки ҳолатини узоқ вақт давомида сақлаб қоладиган ҳамда аста-секин емирилиб борадиган ашё қандай номланади?

- А) ўзгартириб бўлмас ашё; В) истеъмол қилинмайдиган ашё;
Б) бўлинмас ашё; Г) кўчмас ашё.

83. Фуқаролик ҳуқуқининг мазкур объектлардан қайси бири номоддий неъмат ҳисобланади?

- А) оилавий сир; В) хизмат сири;
Б) ахборот; Г) мевалар.

84. Низоли битим:

- А) ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди;
Б) суд уни ҳақиқий эмас деб қарор чиқаргунча ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради;
В) ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради;
Г) тўғри жавоб йўқ.

85. Давлат мулки ва муниципал мулк бўлган нарсани фуқаролар ва юридик шахсларга мулк қилиб бериш қандай номланади?

- А) национализм; В) ижтимоийлаштириш;
Б) хусусийлаштириш; Г) мусодара қилиш.

86. Мажбурият объекти нима?

- А) ашё; В) ҳаракат;
Б) мол-мулк; Г) облигация.

87. қуйида саналган шартномалардан бепул тузиладиган шартномаларни танланг.

- А) қарз шартномаси; В) ҳадя шартномаси;
Б) олди-сотди шартномаси; Г) мулк ижараси шартномаси.

88. қуйидаги ҳоллардан қайси бири фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш учун асос бўла олмайди?

- А) ота-оналик мажбуриятини бажармаслик;
Б) спиртли ичимликлар истеъмол қилиш;

- В) наркотик воситаларини истеъмол қилиш;
- Г) маошни нооқилони сарфлаш.

89. қуйидагилардан қайси бири Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси бўйича жиноят турига кирмайди?

- А) Хизмат бўйича чеклаш.
- Б) Ахлоқ тузатиш ишлари.
- В) Мол– мулкни мусодора қилиш.
- Г) Озодликдан маҳрум қилиш.

90. Ўзбекистон судлари жазога ҳукм қилинган шахсларни авф этиш ҳуқуқи кимга тегишли?

- А) Олий мажлисга.
- Б) Конституциявий судга.
- В) Ҳукуматга.
- Г) Президентга.

91. Вояга етмаган шахсга қандай жазо тури тайинланиши мумкин эмас?

- А) Жарима.
- Б) қамоқ.
- В) Ахлоқ тузатиш ишлари.
- Г) Бир умрга озодликдан маҳрум этиш.

92. Жиноят ҳуқуқи қандай ижтимоий муносабатларни тартибга солади?

- А) Жазони ижро этиш муносабати билан юзага келадиган ижтимоий муносабатларни.
- Б) Жиноят содир этилиши муносабати билан, Давлат ва фуқаро ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни.
- В) Жиноят иши бўйича иш юритиш тартиби билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни.
- Г) Юқорида санаб ўтилган ҳамм жавоблар тўғри.

93. Ўзбекистон Республикасида одил судловни ким амалга оширади?

- А) Фақат судлар.
- Б) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар.
- В) Адлия вазирлиги.
- Г) Прокуратура.

94. Никоҳни тўхтатиш учун нима асос бўлади?

- А) Эр– хотиннинг бирининг ўлими.

- Б) Оиланинг тузатиб бўлмас даражада барбод бўлишию
- В) Эр– хотиннинг ўзаро розилиги.
- Г) Юқорида саналганларнинг барчаси

95. Юридик норманинг давлат жазоси нормасини белгилаб берадиган таркибий қисмни кўрсатинг.

- А) Гепотеза.
- Б) Дизпозиция.
- В) Презумпция.
- Г) Санкция.

96. Юридик жавобгарликнинг мазмуни қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) Хуқуқбузарнинг маҳрумликларга чидаши.
- Б) Давлат мажбурловининг тури.
- В) Жазонинг муқаррарлиги.
- Г) Фақат содир этилган хуқуқбузарликни баҳолаш.

97. Унитар давлатнинг белгиларини кўрсатинг?

- А) қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятининг икки тизими.
- Б) Асосий сиёсий фаолиятни федерация органлари амалга оширади.
- В) Битта конституция, давлат ҳокимиятининг бир тизими, ягона қуроли кучлар.
- Г) Ягонга қуроли кучлар, ягона молия, солиқ ва пул тизими.

98. Меҳнат дафтарчаси ходим ишга киргандан кейин неча кундан кейин очилади?

- А) 10 кун.
- Б) 5 кун.
- В) 7 кун.
- Г) 3 кун.

99. Никоҳни бекор қилишни қайси орган амалга оширади?

- А) Фақат, ФХДЁ органлари
- Б) Фақат суд органи.
- В) ФХДЁ ва суд органлари.
- Г) Барча жавоблар тўғри.

100. Ўзбекистон Республикасида эркаклар никоҳ ёши неча ёш деб қайд этилган?

- А) 20 ёш
- Б) 16 ёш.
- В) 18 ёш.

Г) 17 ёш.